# Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў

ISSN 2181-7138

*№ 1/1 2022 жыл*

*Илимий-методикалық журнал*

**Редактор:**
*А. Тилегенов*

**Редколлегия ағзалары:**
Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӘЛЕЎОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Асқарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

**Шөлкемлестириўшилер:**
***Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў Министрлиги, ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы***

**Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жанындағы Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының 25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен 2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды №01-044-санлы гүўалық берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы, Ерназар Алакөз көшеси №54**
**Тел.: 224-23-00**
**e-mail: uzniipnkkf@umail.uz, mugallim-pednauk@umail.uz**
**www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

*Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлыўматларға автор жуўапкер.*

# МАЗМУНЫ

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ


**Рахмонов А.Р.** Оилада фарзанд тарбиясини йўлга қўйиш асосида миллий ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ........ 4
**Шерматов М.Н.** Ўқитувчи педагогик маҳорати ва компетентлик ........ 7
**Якубова М.Ю.** Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантириш ........ 11
**Байметов М.М.** Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини таъминлашнинг дидактик тамойиллари ........ 14
**Балтабоев С. А., Сатторов В.Н.** Талабалар мустақил ишлашини илмий ташкил қилиш ........ 18
**Караев В.Ш., Маматқулова З.С.** Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини аниқлаш ва баҳолаш ........ 21
**Сайидова М.Х.** Инновацион педагогик технологиялар асосида ўқитиш - талабаларда умумкасбий билим ва кўникмаларни ривожлантириш омили ........ 25
**Нурматов Ф.А.** Таълимнинг мактаб тизимида валеологик тарбияни муаммолари ........ 30
**Турсунов А.Э.** Ҳарбий таълим технологиясининг педагогик асослари ........ 32
**Халмухамедова М.А.** Нақшбандия тариқати илмий мероси орқали талабаларнинг маънавиятини ошириш ........ 36
**Хамидов Ж.А.** Ўқувчиларни креатив тадқиқотчилик ва касбий кўникмаларини танқидий фикрлаш орқали ривожлантириш ........ 39
**Чориев И.Р.** Специфика процесса подготовки в современной системе повышения квалификации ........ 44


## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ


**Анкабаев Р.Т., Ибрагимов Х.Х.** Тўгарак машғулотларида халқ амалий безак санъати ривожининг педагогик муаммолари тарихидан ........ 48


## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА


**Абдуллаева М.С.** Ўқувчилар касб – ҳунар кўникмаларини ривожлантиришда робототехниканинг ўрни ........ 52
**Лухманов Д.Б.** Баркамол авлод болалар мактабларида робототехника, мехатроника, муҳандислик тўгаракларини кластер технологиялари асосида ташкил этиш ........ 56


## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ


**Шермухамедов Р.С.** “Баркамол авлод” болалар мактабларида тўгараклар фаолиятини ташкил этишнинг иновацион технологиялари ........ 62
**Юсупбаева А.С.** Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний ривожланишида ҳаракатли ўйинларни ташкил этиш ........ 67

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ


**Sultonov Z.S.** Maktabda jismoniy tarbiya darslarini o'tkazish xususiyatlari ........ 72
**Абдулахатов А.Р., Нигматуллаева Д.Р.** Ғолиб ва мағлуб курашчилар мусобақа олди руҳий ҳолати ва техник-тактик маҳорат даражасининг ўзаро алоқадорлиги ........ 75
**Абдулахатов А.Р., Қулбулов Ф.Н.** Спорт умуминсоний қадрият ҳамда тарбия воситаси сифатида ........ 80
**Болтаев Ш.Э.** Ёш волейболчиларни инновацион ёндашув асосида машғулот жараёнини ташкил этиш ........ 87
**Худойберганов Ж.С.** Кураш миллий спорт турини янада оммалаштириш ва ривожлантириш ........ 92
**Жумаев А.Т., Турдиев Ф.А.** Бошланғич синф ўқувчиларида ҳаракатли ўйинларни кластер усулида олиб бориш ........ 95
**Зокиров У.М., Абдуназарова З.А.** Актив ва пассив туризм турлари орқали ўқувчи-ёшларнинг жисмоний фаолиятларини ривожлантириш ........ 100
**Зокиров У.М., Назаров Ф.И.** Ёш волейболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш ........ 103
**Абдулахатов А.Р., Зулхайдаров Ж.А.** Профессионал футболчиларни жисмоний тайёргарлиги бўйича моделлаштириш меъёрлари ........ 106
**Одилов О.Н.** Жисмоний тарбия таълими жараёнида талабаларда экологик маданиятни ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият ........ 110
**Султонов А.И.** Йиллик тайёргарлик циклида эркин курашчиларни машғулот жараёнини ташкил этиш ........ 114
**Умаралиева Д.У., Тошқувватов О.А.** Умумий ўрта таълим мактабининиг 7-8 синф ўқувчиларини спорт ўйинлари орқали жисмоний тайёргарликларини ривожлантириш .. 118
**Хабибуллаев С.Х., Джурабоева Д.** Мини футбол бўйича мусобақаларни ўтказишда мусобақа қоидаларининг аҳамияти ........ 122
**Шадиев А.Ё.** Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг тезкор-куч сифатларини амалиётга татбиқ этиш ........ 125
**Утепбергенов А.К., Шукурллаев Ж.М.** Волейбол спорт тури воситасида мактаб ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришда акмеологик ёндашув ........ 128
**Зуфаров Т.У.** Организация и методы подвижных игр для физического развития детей дошкольного возраста ........ 132
**Маматкулов Р.С.** Значение кластерного метода в развитии физического воспитания студентов с использованием легкоатлетических упражнений ........ 136
**Маматкулов Р.С.** Значение спортивно-оздоровительного кластера в подготовительной части уроках гимнастики ........ 140

РЕЗЮМЕ

Мақолада жисмоний тарбия таълими жараёнида талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик жиҳатлари, тарихий тараққиёти очиб берилган. Шунингдек, дунёнинг етакчи илмий марказларида атроф-муҳит ва экологик маммолар борасида олиб борилаётган илмий изланишлар ва глобал экологик муаммолар ҳақида фикрлар юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрыты социально-педагогические аспекты развития экологической культуры, исторического развития студентов в процессе физкультурного воспитания. Также были проведены научные исследования окружающей среды и экологических млекопитающих в ведущих научных центрах мира и высказаны взгляды на глобальные экологические проблемы.

SUMMARY

The article reveals the socio-pedagogical aspects of the development of ecological culture, the historical development of students in the process of physical education. Scientific research on the environment and ecological mammals was also conducted in leading scientific centers of the world and views on global environmental problems were expressed.

# ЙИЛЛИК ТАЙЁРГАРЛИК ЦИКЛИДА ЭРКИН КУРАШЧИЛАРНИ МАШҒУЛОТ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

***Султонов А.И.***

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти*

*“Спорт ва чақириққача ҳарбий таълим” факультети “Жисмоний маданият” кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** тайёргарлик, давр, цикл, босқич, тадқиқот, усуллар.
**Ключевые слова:** подготовка, период, цикл, этап, исследование, методы.
**Key words:** preparation, period, cycle, stage, research, methods.

Маълумки, замонавий спорт тайёргарлиги мавжуд назарий ва амалий билимларни умумийлаштириш ҳамда тартибга тушуришни тақозо этади. Бир қатор олимлар (Ю.В.Верхошанский, А.П.Бондарчук, Л.П.Матвеев, В.В.Петровский, И.Н.Мироненко ва бошқ.) томонидан йиллик ва кўп йиллик тциклларда тренировкани ташкил этиш моделлари ишлаб чиқилган. Улар тренировка нагрузкалари мазмунини, ҳажмининг муҳим параметрлари ва улар мусобақа календари, мазкур босқичда ҳал етиладиган вазифалар, анъанавий бўлиб қолган тайёргарликни даврлаш ва бошқа бир қатор омиллардан келиб чиққан ҳолда тренировка нагрузкалари мзмуни, ҳажми ҳамда вақт ичида тақсимлашнинг энг муҳим параметрларини сон жиҳатдан акс еттиради.

Йиллик циклдаги тренировка моделларини ишлаб чиқишга бўлган зарур шарт-шароитлар сифатида қуйидагилар аввал бажарилиши лозим:

- етакчи спортчилар тренировкасини ташкил этиш ва терма жамоаларни тайёрлашдаги амалий тажрибани ўрганиш ҳамда умумлаштириш;
- спортчи ҳолати динамикасининг тренировка нагрузкаси мазмуни, ҳажми ва тақсимланишига боғлиқлигини текшириш;
- тайёргарликнинг анъанавий даврланиши ва мусобақалар календарига кўра спортчиларнинг йиллик тциклдаги махсус иш қобилияти даражаси динамикасидаги оқилона йўналишни аниқлаш.

Йиллик циклни тузишнинг принтсипиал (мантиқий), сўнгра унинг асосида эса индивидуал (сон) моделини ишлаб чиқиш зарур.

Махсус адабиётлар ва тренировканинг амалий тажрибаси таҳлили мутахассисларга шундай хулосага келишга имкон бердики, кўп йиллар аввал вужудга келган тренировкани ташкил этишнинг анъанавий шакллари ва тамойиллари бугунги кунда юқори малакали спортчиларни тайёрлаш вазифаларини қониқтирмайди. Юқори малакали спортчилар махсус жисмоний сифатларининг ривожланиши шундай даражага йетдики, уларни кейинчалик такомиллаштириш учун янги, янада самарали тренировка воситалари ҳамда услубларини излаб топишни талаб қилади. Бундан ташқари, махсус жисмоний тайёргарликнинг йиллик циклдаги ўрнини қайта кўриб чиқиш ҳамда унинг бошқа тайёргарлик турлари билан ўзаро боғлиқлик шаклларини аниқлаш лозим. Ҳозирги пайтда шу нарса маълумки, тренировкани тузиш моделини ишлаб чикишнинг зарур шартларидан бири амалий тажрибани тахлил килиш хисобланади. Бундай тахлил жараёнида юкори малакали спортчиларнинг йиллик тциклдаги тренировкасини ташкил килишнинг амалиётда мавжуд бўлган услубларини ўрганиш, шунингдек спортчилар қўллайдиган тренировка (зарур ҳолларда мусобақа) нагрузкалари ҳажмининг аниқ ўлчамларини аниқлаш назарда тутилади.

Профессор Ю.В.Верхошанский ҳаммуаллифлар билан тренировка моделини тузиш тамойиллари ва шаклларини аниқлаб берадиган асосий омиллар сифатида спортчилар ҳолати ҳамда тренировка нагрузкасининг ўзаро боғлиқлигининг умумий қонуниятлари, шунингдек мунтазам тренировка таъсири остида курашчи организмининг бир ҳолатдан бошқасига ўтиш қонуниятини ажратади. Ҳар бир муайян холда ушбу тамойилларни амалга ошириш усулларига таъсир кўрсатувчи хусусий шароитлар қаторига қуйидагилар киради: йиллик тайёргарлик тциклини анъанавий даврлаш хамда жорий йил учун муайян мусобақалар календари, спортчининг махорат даражаси ва махсус тайёргарлигининг алохида хусусиятлари, олдинги тайёргарлик босқичларидаги тренировка хусусияти ва йўналиши, спортчи олдига қўйиладиган вазифалар, мусобақа фаолиятининг кескинлиги ва бошқ. Бироқ олимлар томонидан тавсия этилган бундай бўлиниш шартли равишда эканлигини хисобга олиш лозим.

Катта босқич 5 ойгача давом этиши мумкин. Тренировкани ташкил қилишнинг таклиф этилаётган шакли анъанавийсидан қатъий фарқланади ва биз уларни кўриб чиқамиз.

Профессор Ю.В.Верхошанский (1995) маълумки, тренировка жараёнини ташкил қилишнинг анъанавий шаклида махсус жисмоний ва техник тайёргарлик деярли бир вақтда олиб борилади. Айтиш жоизки, тренировкани бундай шаклда ташкил этишда нагрузканинг умумий хажми ўсиб бориши билан унинг шиддати хам ортади. Кейин хажми пасаяди, шиддати эса ошиб боришда давом этади. Бир қатор тадқиқотчилар (Ю.В.Верхошанский, 1979; А.Р.Левченко, 1982; Т.А.Антонова. 1983; И.Н.Мироненко, 1983 ва бошқ.) томонидан таклиф қилинадиган катта босқичда тренировкани тузиш варианти ишни ташкил қилишнинг бутунлай янги шакли хисобланади ва иккита микро босқичларнинг бўлинишидан хосил бўлади: биринчисида катта хажмдаги махсус куч нагрузкаси жамланади, иккичисида қолдирилган тренировка самараси (ҚТС) амалга оширилади, натижада техник маҳоратнинг чуқурлашган такомиллашуви содир бўлади. Бунда анъанавий шаклдан фарқли равишда, биринчи босқич нагрузкаси нисбатан паст шиддатга эга бўлади, сўнгра у асосан техник тайёргарлик воситалари хисобига тез ошади. Махсус иш қобилияти даражаси биринчи микробосқичда пасаяди, кейин тез ошади.

Бироқ бу спортчиларнинг махсус жисмоний сифатларини ошириш даражаси устида алоҳида иш олиб борилади, дегани эмас. Техник тайёргарлик бутун босқич

давомида тренировкаларда олиб борилади. Лекин жамланган куч нагрузкаси — блоки доирасида унинг ҳажми катта эмас. Бу вақтда техниканинг асосий элементлари, спорт машқининг алоҳида фазалари ҳамда бутун ҳаракат схемасининг ритмик тасвири такомиллаштиришади.

Жамланган куч ишининг қолдирилган тренировка самарасини (ҚТС) амалга оширишда (иккинчи микро босқичида) техник иш ҳажми ва шиддати аста-секин ошиб боради. Мусобақа шароитларига яқин ёки тенг бўлган режимда асосий машқнинг бажарилиш улуши ортади. Тренировкани тузишнинг кўриб чиқилаётган шакли умумий жисмоний тайёргарлик (УЖТ) воситаларини кенг қўллашни ва уларни махсус иш билан маълум даражада уйғунлаштиришни назарда тутади. УЖТ нинг асосий вазифаси махсус ишдан кескин фарқ қиладиган ва спортчининг иш қобилияти ҳамда унинг мотор аппаратини тиклашга ёрдам берадиган паст шиддатли фаолиятга ўтиш самарасини қўллашдан иборат. Йиллик тциклга иккита катта боскичларни киритиш максадга мувофиклиги асослаб берилган. Бунда бу тцикл битта ёки иккита мусобака мавсумини ўз ичига олиши мумкин. Жамланган куч нагрузкасининг иккинчи — блоки‖ биринчисига нисбатан ҳажмига кўра кичик бўлиши лозим.

Принтсипиал модел асосида тренировканинг муайян сон модели тузилади. У қуйидагиларни ҳисобга олади:

- мазкур спорт турида тренировкани тузиш тажрибаси ва аввалги босқичда спортчиларнинг тайёргарлик хусусиятлари;
- аниқ мусобақалар календари;
- спортчилар махсус тайёргарлиги ва алоҳида топшириқларнинг кундалик даражаси;
- олдинга қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун тренировка ва мусобақа нагрузкалари ҳажмларининг холисона зарур қийматлари;
- спортчилар тайёргарлигининг муайян шароитлари ва моддий таъминоти.

Тадқиқот натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкики, тадқиқот гуруҳи назорат гуруҳига нисбатан юқори натижаларга эришди. 14-16 ёш эркин курашчиларининг ўқув тренировка машғлотлари йиллик тциклнинг тайёргарлик, мусобақа ва ўтиш даврлари учун ўқув машғулотларини ташкил қилиш тизимининг самарали режаси синовдан ўтказиш бўйича қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин бўлади. Ёш эркин курашчиларни ўқув машғулотларини ташкил қилиш тизимини режалаштириш ва такомиллаштириш бўйича адабиётларда маълумотлар жуда камчиликни ташкил этади, ҳар бир тадқиқотчи бу мавзуга турли хил ёндашганлигини кузатдик. Йиллик циклнинг тайёргарлик, мусобақа ва ўтиш даврлари учун ўқув машғулотларини ташкил қилиш тизими режасини амалга оширишда қатъий регламентлаштирилган тамойил кўпроқ самара беради. Вазифаларни бажариш тартибига ва такомиллаштириш услубларига қатъий риоя қилиш кутилган натижани берди.

Бундаги асосий мақсад 14-16 ёш эркин курашчиларнинг ўқув тренировка машғулотларини, йиллик циклининг тайёргарлик, мусобақа ва ўтиш даврлари учун ўқув машғулотларини ташкил қилиш тизимининг самарали дастурини режалаштириш ва шу режа асосида тайёргарлигини такомиллаштириш амалга оширилди. Агар назорат гуруҳида барча кўрсаткичларнинг ўртача ўсиши - 26.9% га ошган бўлса, тадқиқот гуруҳида барча кўрсаткичларнинг ўртача ўсиши – 31.35 % га ошди.

Ёш эркин курашчиларнинг йиллик тайёргарлик циклида ўқув машғулотларини

ташкил қилиш тизимини режалаштириш услубиятида малакали курашчи ўғил болаларнинг машғулот тизимлари модел сифатида олинган. Ёш эркин курашчиларнинг йиллик тайёргарлик циклида ўқув машғулотларини ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш услубиятида кўпроқ малакали эркин курашчилар тайёргарлигидаги самарали услубларидан фойдаланилди. Умумий ўртача ўсиш назорат гурухида +27.9 % тадқиқот гуруҳида эса +33.46% хисобида ижобий ўзгарганлиги аниқланди. Умумий ўртача машғулотдаги назорат тесталаридан кейин юрак уруши назорат гуруҳида та 24 та, тадқиқот гуруҳида 26 та тушганлигини кузатдик. Юқоридаги фоиз бўйича ўзгаришдан ташқари Б.Пирсон бўйича боғлиқлик даражаси ҳам кўриб чиқилди. Унга кўра назорат гуруҳидаги тадқиқот боши ва оҳиридаги кўрсаткичларнинг боғлиқлиги – 5 % (юқори даражадаги боғлиқлик)ни кўрсатди. Тадқиқот гуруҳидаги тадқиқот боши ва оҳиридаги кўрсаткичларнинг боғлиқлиги – 25.9 % (юқори даражадаги боғлиқлик)ни кўрсатди. Юрак қисқариши умумий олинган натижалар бўйича назорат гуруҳида назорат тесталридан сўнг 1% ни камайганлигини, тадқиқот гурухида эса 2,3 % юрак уруши назорат тестларидан сўнг тушганлигини аниқладик, бу албатда хар томонлама ижобий натижа кўрсатганини билдиради, сабаби назорат тестдаги фоизлар ошишини аниқ кўрсатиб ва исботи сифатида юрак қисқаришини камайиши, арганизимни машқлар, ва мусобақа фаолиятида шиддатга мослашганлигини кўрсатади. Олинган натижаларни тахлил қилсак тадқиқот охирида вақт ва усулларни бажариш тезлиги ошганлигини кузатдик. Бунинг асосий сабабларидан бири юракнинг қисқариши усулларни бажаргандан сўнг тадқиқот бошидагига нисбатан пасайганини кузатдик.

Албатта машқ шиддати қанчалик баланд бўлмасин агар юрак уруши шиддатга нисбатан пас бўлса умумий спортчиларни машғулот ва мусобақа фаолиятида юқори натижалар кўрсатиш мумкин бўлади.

Адабиётлар:

1. A.I.Sultonov. Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў. Belbog‘li kurash qoidalarining xususiyatlari. 2021y.

2. A.I.Sultonov Novateur Publications Journalnx- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal. Physical Qualities And Their Essence.2021y.

3. Шукурллаев Ж.М. 7-14 ёшли мактаб ўқувчиларини волейбол спорт турига танлаб олишнинг методик хусусиятлари. “Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириў” 2-сон. 2019-йил. Некис.ш. Б.153-156.

4. A.I.Sultonov Academic Research In Educational Sciences. Мактаб ўқувчиларини жисмонан тарбиялашда жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ўрни.2021y.

5. Kurash turlari va uiri o’qitish m-etodiliasi. A.I.Sultonov. 2021y.

6. Утепбергенов А.К. Шукруллаев Ж. М. Preliminary stages of didaktiks in the process of akmeolologikal approach to volleyball sports. 28-31. Methodical research journal.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада йиллик тайёргарлик циклида эркин курашчиларни машғулот жараёнини ташкил қилиш ҳамда машғулот жараёнини тузиш режалари, машғулот жараёнидан олинган тадқиқотлар кўриб чиқилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье в рамках годового тренировочного цикла будет рассмотрена организация тренировочного процесса борцов вольного стиля, планы формирования тренировочного процесса, исследования из тренировочного процесса.

SUMMARY

In this article, the annual training cycle will consider the organization of the training process of freestyle wrestlers, plans for the formation of the training process, research from the training process.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеў институтының Ж. Орынбаев атындағы
Қарақалпақстан филиалы

# «МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 1/1

Нөкис — 2022

Басып шығыўға жуўапкер:

*А. Тилегенов*

Баспаға таярлаған:

*А. Тилегенов, Н. Абдукаримов*

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди  17.02.2022. Форматы $60x84^{1}/_{16}$
«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.
Шәртли б.т.   Нашр. т.   Нусқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51